

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 36 (66265)
2000 йил 7 сентябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

СИНФ ХОНАМИЗ-ЎЗ УЙИМИЗ

Мана, орзиқиб кутилган янги ўқув йили ҳам бошланди. Таътилдаги ҳар бир мароқли кун ўрнини билим олиш масъулияти эгаллади. Яхши дам, меҳнатга ҳамдам деганларидек мактабга қувонч, лиммо-лим орзулар билан кириб келаётган ўртоқларим билан дўстона саломлашдим. Устозимиз Юлдузхон Хайитова билан қадрдон синфимизга кирганимизда ёруғ, тоза, озода синф хонамиз бизни шодлик билан кутиб олгандек бўлди. Аммо, назаримда синф хонамиз «мени тоза сақланглар» деяётгандек илтижоли боқарди. Ростда, синфимиз тозалиги соғлигимиз учун энг яхши имкониятку! Мен синф ва мактаб жиҳозларини асраш керак деб ўртоқларимга айтсам, «Сени даданг синф хонамизни таъмирлаб берганлиги учун ачинасан-да», - дейишди. Бу гаплар мен-

га анчагина таъсир қилди. Ахир дадам, синф хонамизни фақат мени деб эмас, синфдошларимни ҳам чиройли хоналарда яхши билимлар олиб ўқисинлар, деб қилганлар-ку! Йўқ мен ҳеч қачон дадамнинг озгинагина меҳнатларини кўкларга кўтармоқчи эмасман. Бизнинг синф хонамиз ҳам худди уйимиздек қадрдондир. Мана шу қадрдон маскан бизни улуг ниятларга, парвозли кунларга, юртимиз учун эл ардоғидаги инсонларга айлантиришда хизмати катталигини синфдошларимга айтиб қўймоқчи эдим.

Зилола МАЛЛАЕВА,
Фарғона вилояти,
Учқўриқ туманидаги 9-ўрта мактабнинг
3-«Г» синф ўқувчиси



BORIS PAK

BIRINCHI SINIF O'QUVCHISI

ABDUG'ANI QARIMOVga
Yasanibsan sen bugun,
Ko'ngling to'la hayajon.
Bugun ochiq sen uchun,
Birinchi sinf jonajon.

Nurli Vatan assalom!
Assalom bayram ahli!
Birinchi bor senga ham
Boshlandi o'quv yili.

Kitob, qalam va daftar,
Endi senga qadrdon.
Bilim olib yosh do'stlar,
Aqli to'lishar har on.

Saboq olib kundan-kun,
Bo'lajaksan bilimdon.
Ochilajak sen uchun
Butun olam bepayon.

O'rganilar maktabda,
Do'stlik degan saboq ham.
Yaxhi do'stlar maqtovda,
Shodlikni ko'rar baham.

Bilim olib bir kuni,
Katta yo'lga chiqarsan.
Maktabingni har kuni
Yo har zamon eslarsan.

Hozirda xullas kalom,
Jaranglasin qo'ng'iroq.
Salom maktab, assalom,
Baxting bo'lsin yarqiroq.

БУВИЖОННИНГ ҚИЗЛАРИ-ДА...

Ёз фасли ҳам охираб бораёпти. Фасллар ичида ёз билан кўзни жуда яхши кўраман. Чунки улар саҳий фасл-да. Ҳаммаёқда пишиқчилик, тўкин-сочинлик... Менинг икки бувам ва икки бувим борлар. Ёшлари бир жойга бориб қолган бўлса-да, тиниб-тинчишмайди, далада меҳнат қилишади. Айни кунларда уларнинг ишлари «қайнаб-тошган». Аҳмаджон додамнинг каттакон тоқзорлари, шафтолизор, беҳизорлари бор. Айни таътил кунларида укам иккимиз уларнинг энг яқин кўмакчилари бўлдик. Меҳнатда чиниққан одам, бардам-бақувват бўлади, дейдилар Мухаббат бувим доим. Уларнинг боғларида гарқ пишган олмаларни териб юриб, бир кун бувижонимга ҳасрат қилдим:

-Бувижон, биз тенги болалар кечгача кўчада ўйнаб юришади. Ойижоним эса бизларни кўчага чиқармайдилар. Уй юмушларига қарашиб бўлсак, китоблар ўқиб берадилар. Телесвизор орқали бериладиган болаларбоп кўрсатувларининг томоша қилдирадилар. Бирор жойдан бироз ҳаяллаб қайтсак, хавотир олаверадилар. Биз ахир ёш бола эмасмиз-ку...

-Ойижонинг тўппа-тўғри қиладилар,- дедилар бувим жилмайиб. -Мен ҳам ойингни худди шундай тарбиялаганман. Нима ёмон ойи бўлдимми? Сизлар ҳам ойижонингнинг айтганини қилсангиз, кам бўлмайсиз.

Бувижоннинг гапларидан кейин ойимга бўлган меҳрим янада ортди. Ойим ҳам шу бувижонимнинг қизи-да, деб қўйдим охишта.

Акмал НАЗАРОВ,

Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги 25-таянч мактаби ўқувчиси.

YETTI YOSHGA YETDIK BIZ

Tezroq kuz kelsa-yu biz 1-sinfga chiqsak, deb shoshilgandik. O'sha kun ham keldi.

Yoz bo'yi qo'shnim Dilobar bilan o'qish va yozishni o'rganib oldik. Maktabga hujjatlarimizni topshirgani borganimizda bizni mehribon


o'qituvchi Mavjuda opa litsey sinfga qabul qildilar. Bundan juda xursand bo'ldik. O'qishning birinchi kuni bizga o'qituvchi opamiz bobomizning sovg'asini berdilar. Ular bizni yaxshi o'qishimiz, namunali bola bo'lishimiz uchun jon kuydirayaptilar. Bizdan umidlari katta. Buni bizga Mavjuda opamiz aytdilar.

Bizlar Prezidentimiz sovg'asini olar ekanmiz, ular orzu qilgan bolalar bo'lishga so'z berdik.

Dilobar Shousmonova va Ibragimjon Ibragimov,
Toshkent shahar, Xamza tumanidagi 206-maktabning 1-litsey sinf o'quvchisi.

янги қурилиб топширилди. 571000 нафар ўқувчиларимизга 48000 дан зиёд ўқитувчи ва мураббийларимиз сабоқ бермоқдалар. Бизда "Тонг юлдузи" газетасига қизиқиш катта. Менинг ўзим ҳам газетанинг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Қарши шаҳрининг 1-гимназиясида таълим олаётган фарзандларим Отабек ва Нилуфарлар газетанинг ашаддий мухлислари десам муболага бўлмайди. Улар ҳар бир сонидан эълон қилинадиган бошқотирмалар ва иқтисодий жумбоқларни ечадилар. Мақолалар, шеърлар, ҳикоя ва эртақларни севиб мутлақ қиладилар. Шунинг айтмоқчманки, янги ўқув йилида ҳар ўн нафар ўқувчига биттадан "Тонг юлдузи" газетасининг обунасини ташкил қилмоқчиман.

Чунки матбуот билан танишиб,



ЎЗНИМРОҚ

янгиликлардан бохабар бўладиган ўқувчиларимиз сиёсат борасида баҳслашиб ўз фикрларини билдира оладилар. Бундай силжишлар албатта мустақиллигимиз шарофатидир. Ўқувчиларимизнинг бугунги кундаги ютуқлари фаровон келажакимизнинг мустақкам пойдевори бўлади.

Қашқадарё вилояти,
Халқ таълими бошқармасининг
бошлиғи Раҳматилла МУСУР-
МОНОВнинг сўзларини Мухар-
рама ПИРМАТОВА ёзиб олди.

БИЗГА ГОЛИБЛИК ЯРАШАР

Бугун мен "Тонг юлдузи" муштарийлари билан юзма-юз учрашар эканман, уларни аввало мустақиллик байрами ва янги ўқув йили билан табриклайман. Доимо ўқишлари аъло, интизомлари намунали бўлишини истайман. Бизнинг Қашқадарё вилоятида ҳам ўқувчилар ҳамма тарафлама бир неча поғонага ўсдилар. Тафаккур гулшанидан баҳраманд бўлиш, спорт билан шугулланиш бораётиди талайгина ютуқларга эришдилар. Масалан, 10 ёшли Нодира Нодиршоновна шахмат бўйича икки марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. 14 ёшли Сарвиноз Эргашева ҳам шахмат бўйича уч марта Ўзбекистоннинг голиблик шохсупасидан ўрин олди. У яқинда октябрда Испанияда бўладиган жаҳон биринчилиги мусобақасида қатнашади. Уйлай-

манки, у ҳам юқори ўринларни қўлга киритади.

Косон туманидаги Берди Ниёзов номли 71-мактабнинг 7 нафар қизлари дзюдо бўйича чемпион бўлдилар. Бундай голиблар вилоятимизда анчагина.

Аълочи ўқувчиларимиз эса чет эллик тенгдошлари билан бемалол беллаша оладилар. Улардан тўрт нафари АКСЕЛС бўйича Америкада таҳсил олиб қайтдилар.

Тиришқоқ ўқувчиларимизга Тинчлик корпусининг етти нафар кўнгилли мутахассислари инглиз тилидан сабоқ бермоқдалар. Ўз касбининг фидойилари бўлмиш саккиз нафар муаллимларимиз эса Франция, Туркия ва Америкада бўлиб, малакаларини ошириб қайтдилар. Вилоятимизда жами 1082 та мактаб бўлиб, шулардан 6 таси

ЁШЛАРИМИЗ ҚОНУН ЙЎЛИДАН БОРСИН!

Кўқон шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» тўғрисидаги қарори ҳамда, Республика Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармони талабларини умумтаълим мактаблари, Ўрта махсус ва олий ўқув юртралида бажарилиши қатъий назорат қилиб борилаёпти. Тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар сони ортомқда. Таълим муассасаларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Инсон ҳуқуқлари», «Қонунчилик асослари», «Ҳуқуқшунослик» фанлари бўйича чуқурлаштирилган синфлар ташкил қилинди. 1-4-синфларда эса «Ҳуқуқ алифбоси», 5-8-синфларда «Ҳуқуқ сабоқлари», 9-синфларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари», 10-11-синфлар-

да «Инсон ҳуқуқлари» ва «Қонунчилик асослари» фанларини ўқитиш йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида диний эстремистик оқимларга қарши олиб борилган ишларда бир қанча ёшлар жиноий жавобгарликка тортилган. 16-нафар вояга етмаганлари маъмурий комиссияга юборилиб, ҳисобга олинган. 61 та маҳаллада учрашув, суҳбатлар ўтказилиб 255 жиноятга мойил шахслар муҳокама қилинди. 29 нафари кечирим сўраб, ариза билан мурожаат қилгани учун қонуний равишда жазодан озод қилинди. Олиб борилган текширишлар давомида Кўқон шаҳар лицейи ўқувчиларидан диний оқимлар таъсирига тушиб қолган ўнлаб вояга етмаганлар билан махсус иш олиб борилди. Огоҳлантириш берилди ва назорат бўлинмаси рўйхатига олинди. Ўқувчиларнинг 6 нафари Кўқон шаҳрида яшовчилар, 6 нафари эса бошқа туманлардан ўқиш учун келган вояга етмаган ўсмирлардир. Шаҳар прокурори фаоллар йиғилишида «Ўқувчи ёшлар ўртасида диний



ақидапарастлик, жиноятчилик, гиёҳвандликка қарши курашнинг долзарб масалалари» мавзусида сўзлаган маърузасида жазолаш эмас, содир этаётган жиноятлар олдини олиш масаласига тўхталиб ўтди.

Истагимиз ягона: азиз ота-оналаримиз ўз фарзандларининг тарбиясига жиддий аҳамият берсинлар. Биз ҳам Ватан, эл-юрт тинчлиги учун барча чора ва тадбирларини кўрамиз.

Кўқон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, учинчи даражали ҳуқуқшунос
Алишер АҚБАРОВ сўзларини
Мухтор БЕК ёзиб олди.

«Ўзтелерадио» компанияси қошида Республика прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда «Постда», «Мэрифат», «Туркистон», «Тонг юлдузи» газеталари ҳамкорлигида ишчи гуруҳи тузилди.

Гуруҳнинг асосий мақсади Республика ҳудудида қонунчиликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, вояга етмаган ўсмирлар орасидаги жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш ва олдини олиш, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини химоя қилишга қаратилган.

сига жиддий таъсир қилади. Фикрининг исботи учун бир мисол келтирмақчиман.

Бир ховлида икки ака-ука яшайди. Икаласининг ҳам ўз оиласи бор. Ака-ука ва икки овсин ўзаро чиқишмайди. Ҳар кун оиласида жанжал. Бу жанжаллар фарзандлар тарбиясига ўз таъсирини ўтказган. Шундай кунлар-

нинг бирида 9-синфда ўқийдиган қиз амакисининг 7 ёшлиқ қизалоғини алдаб томга олиб чиқади ва мудҳиш жиноят содир этади. Жонсиз қизалоқни эса томдаги хашаклар орасига яширади. Вақт ўтиб, унинг иши ошкор бўлади ва 9-синф ўқувчиси албатта ўз жиноятига жазо олади. Агарда ўша қиз ўз ҳуқуқини, бурчини билганда эди бу ишга сира қўл урмаган бўларди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек бўлимиз вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилади. Хўш, у қандай бажарилаёпти?

- Табиийки, таълимни ҳам назорат қилиб тураемиз. Кўз-кўз қилса арзигulik томонларимиз кўп. Бироқ айрим вилоятлардаги камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Тошкент вилояти, Бўка туманида кейинги уч йил мобайнида бирорта ҳам таълим муассасалари қурилмаган.

Сирдарёлик ўқувчиларнинг дарсликларини кўздан кечирганимизда Оқ олтин тумани 5-мактабнинг 5-«А» синфида 31 ўқувчидан 18 нафаридан математика дарслиги, 10 нафаридан она тили, 18 нафаридан адабиёт дарслиги йўқлиги маълум бўлди. Шу мактабнинг 8-«В» синфида 31 ўқувчидан 25 нафаридан адабиёт дарслиги бўлмаган. Наҳотки дарслик йўқлиги ўқитувчию

ота-она назоратидан четда қолган бўлса? Бу шароитда ўқувчи бекорчиликдан нафақат ўзига балки синфдошига ҳам ҳалақит беради. Бекорчи ишларни келиб чиқишига замин тайёрлайди.

Комил ака узоқ гапирдилар. Уларнинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Айрим ота-оналар учун ўз фарзандининг қилган жинояти маълуми бироқ унинг сабаби номаълумдек бўлиб қолади. «Нима учун бундай бўлди, нимага ундай қилди?», дея ўз-ўзига саволлар ёғдиради. Бу ҳолга тушмаслик учун болаларнинг ҳар бир характери бизга маълум бўлиб турсин. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-модда биринчи бандида «Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин», дейилади. XXI асрга қадам кўяётган катталар қатори болаларимиз бу каби моддаларни ёддан билмоқлари, ўзларига шиор қилмоқлари лозим. Ана шунда улар ўз ҳуқуқини яхши билишга ва ўз навбатида ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилишга ўрганадилар.

Демак юқорида эълон қилганимиз ишчи гуруҳининг вазифаси бу иш билан жиддий шуғулланиш ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришдир. Биз ҳам ушбу ўринда ёш мухбирларимиз ва зукко устозларимиздан шу мавзудаги хат-хабарларни кутамиз. Зеро қонун устуворлиги - тинч ва фаровон ҳаёт омилidir.

Суҳбатдош
Феруза ОДИЛОВА.

ХАСТАЛИКНИ ДАВОЛАГАНДАН КЎРА...

Тўнғич қизим Арофат ёшлигидан жуда соғлом бўлиб ўсди. Лекин кейинги пайтларда тез-тез шамоллаб қоладиган, бронх йўллари яллиғланиб, тўхтовсиз аксириб, йўталадиган бўлиб қолди. Шифокорларга олиб борсам, «Қизингиз бронхит бўлиб қолибди, дейишди. Узоқ муддат даволатдик, бироқ ўзгариш бўлса-да, бутунлай соғайиб кетмади. Томоғи қичишиб, нафас йўллари гижиллаб, ҳолсизланиб қоларди. Шунда бизга алерголог кўригидан ўтишни маслаҳат беришди. Шифохонага олиб бордим. 23 йилдан буён шу соҳада ишлаб келаётган олий тоифали алерголог Раъно опа Қориевага учрашдик. Маълум бўлишича, қизим Арофатнинг кучук ва мушукларга, уй чангига алергияси бор экан. Раъно опанинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари асосида қизимни даволатдик. Ўз вақтида шифокорларга мурожаат қилганимиз яхши бўлибди. Ҳозир қизим 11 ёшда, саломатлиги жуда ҳам яхши. Ўзим ҳам, айниқса, қизим Арофат Раъно опамиздан миннатдоримиз. Мазкур шифохонага тез-тез келиб турганимиз боис, алергик хасталиклар билан оғриган бемор болалар талайгина эканлигини, унинг бир неча турлари борлигини билиб олдик. Шифокор опамизнинг бизга берган маслаҳат ва йўл-йўриқларини бошқа болалар ҳам билиб олишса фойдадан ҳоли бўлмасди, деб ўйладик ва 2-ТошДТИ 1-клиникаси болалар маслаҳат шифохонаси шифокори, олий тоифали алерголог Раъно опа ҚОРИЕВА:нинг сўзларини оққа кўчирдик:

Шу кунларда алергик хасталиклар билан оғриган беморларимиз жуда кўп. Экологик шароит бу хасталикнинг илдиш отишига омили бўляпти, десам хато бўлмайди. Алергик хасталиклар овқат турларига, экинлар чангига, уй чангига ҳамда дори-дармонларга нисбатан сезувчанлиги кузатилмоқда. Бу хасталиклар махсус алергенлар ёрдамида аниқланиб, беморлар узоқ муддат даволашларига тўғри келади. Экинлар чангига алергияси бор беморлар салқин пайтларда даволансалар, уй чангига алергияси борлар йил давомида даволандилар. Шунинг учун ҳам азиз ўғил-қизларим, сизларга айрим маслаҳатларим бор:

Озодаликка, гигиена қоидаларига амал қилинг, оғиз бўшлигини, димоғларингизни доимо чайиб юринг. Носоғлом тишларингиз бўлса, даволатинг. Кучук, мушуклардан узоқроқ юринг. Энг муҳими, резинкали сақич чайнаманг. Мана ўқишларни ҳам бошлаб юбордингиз. Кўпчилигингиз ота-онангиз тушлик қилишингиз учун берган пулларига, овқат емай, чақич олиб, чайнаб юришга одатлангансиз. Оч қоринга сақич чайнаганда оғиз бўшлигидаги сўлак безлари тинимсиз ишлаб туриши натижасида ошқозон фаолияти бузилади. Организмда гижжалар пайдо бўлиб, инсоннинг иммунитетини, яъни, хасталикларга қарши курашувчанлик ҳусусияти пасайиб кетади. Охир-оқибатда турли кўринишдаги алергик хасталиклар келиб чиқади.

Кейинги пайтларда терида оқ доғлар пайдо бўлиш холлари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу ҳам экологиянинг таъсири. Терингизда бирор ўзгариш сездингизми, дарҳол катталарга кўрсатинг, шифокорларга мурожаат қилинг. Зеро, хасталикни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал.

Ш. АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани



Назаримда боғча ёшидан бошлаб уларга ўз ҳуқуқини ўргатиб бориш керак. Унинг ёшига мос, ўйин тарзида қўлланмалар яратилиши лозим.

Оиладаги носоғлом муҳит ҳам болалар тарбия-



САВОЛЛАРИ БИРАТ БОЛАЛАР

Ойижон, анавилар нима? - сўрайди қизалоқ осмонга термулиб.

- Уларми, сон-саноксиз юлдузлар...

- Нимага юлдузлар?..

... Қани, бу саволга ҳам жавоб топиб кўринг-чи. Демокчимизки, сиз болалар, айниқса, ука ва сингилларингиз ҳар нарсага қизиқувчансизлар, ҳар бир воқеа-ҳодисаларнинг сиру синоатларини билгингиз келаверади. Нега? Қачон? Қаерда? каби саволларингиз бисёр. Лекин ота-оналарингиз, ака ва опаларингиз бу саволларингизга жавоб беришга ҳар доим ҳам фурсат топавермайдилар. Шундай кезларда бир китоб бўлса-ю уни варақлаб ўзингизни қизиқтирган саволларингизга жавоб топа олсангиз-а?..

Бугунги ҳикоямиз қаҳрамони айнан ана шундай китобни нашрга тайёрлаётган инсонлардан бири Шомухиддин ака Мансуров бўладилар.

"Ким бўлсам экан?" деган савол ҳамма қатори Шомухиддин акани ҳам мактаб давриданок ўйлантриб юарди. Харбий кийимдаги акаларига ҳавас қилиб, улардек ҳарбий бўлишни орзулаб кўрди. Орадан ҳеч фурсат ўтмай, ҳарбий тиббиёт ходими бўлиш орзуси тинчлик бермай қўйди. Ҳатто харбий комиссариатга бориб, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги ҳарбий тиббиёт академиясига юборишларини сўраб ариза ҳам берганди.

Хаёл бошқаю ҳаёт бошқа деганларидек, мактабни муваффа-

қиятли тамомлагач ТошДУ (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети)нинг филология факультетига ўқишга кириб, ижод қалами билан ошно тутиниб келяптилар.

Дастлаб "Кино" журналида ходим, масъул котиб, кейинчалик "Ўзбекистон" нашриётида муҳаррирлик қилдилар. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги, турли мураккабликдаги қўлёзмалар устида ишлаш, таниқли олимлар билан мулоқотлар замирида қаламлари чарчланиб, ношир сифатида шакллана бордилар. Шу нашриётда таҳририят мудури, бош муҳаррир

Болаликка қайғурмоқ - келажакка қайғурмоқ.

ўринбосари, бош муҳаррир бўлиб хизмат қилдилар. Ўзлари болаларга бағишлаб бирор асар ёзмаган бўлсалар-да, турли ҳикоялар, эртаклар тўпламини тайёрлаб чоп эттирганлар. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун мўлжаллаб тузилган тўпламлари яқин орада қўлингизга тегиб қолса ажабмас. Шомухиддин ака нафосат соҳасида ҳам анча-мунча изланишлар олиб боряптилар. Ўзбек халқ достонларининг эстетик хусусиятларига бағишланган бир неча рисоалари эълон қилинган.

Ёдингизда бўлса, бундан 15 йиллар муқаддам уч жилдли "У ким, бу нима?" деб номланган болалар энциклопедияси нашр этилганди. Бироқ у Москвада чоп этилган китоб таржимаси бўлганлиги учун, ўзбек болаларига алоқаси бўлмаган маълумотлар кўп эди. Ҳозирги кунда эса "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриётида сизлар учун "Болалар энциклопедияси" тайёрланмоқда. Уни нашрга тайёрлаш ишларига нашриёт бош директорининг ўринбосари Шомухиддин ака сингари болаликка қайғурмоқни ўзларига шиор билган фидойи инсонлар бош-қош.

- "Болалар энциклопедияси" - *Мустақиллигимиз мевасидир*, - дейдилар Шомухиддин ака. - *Унда жаҳон бўйича болаларимиз учун қизиқарли бўлган, уларнинг билимдонликларини ўстирадиган*




маълумотлар билан бирга маҳаллий материаллар ҳам берилган. Анча катта ҳажмда бўлган рангли, расмлар, фотосуратлар, хариталар билан безатилган китобимиз сиз болажонларга маъқул бўлади, деган умиддамиз.

"Зар қадрини заргар билади" деганларидек, Шомухиддин аканинг камтарона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" - соҳанинг юксак фахрий унвонига сазовор бўлганлар. Қолаверса, улар нашрга тайёрлаган "Болалар энциклопедияси" сиз азиз болажонларга ёқса, билимларингизни бойитиб, дунёқарашингизни кенгайтирса, шунинг ўзи Шомухиддин ака учун энг катта мукофот.

Феруза ЖАЛИЛОВА.

Go'zal Rahimova-9 yoshda. Hozirda Gilliyer nomli musiqa maktabining 3-sinf o'quvchisi. Shu bilan birga «Bulbulcha» hamda «Yulduzcha» bolalar dastasining a'zosi.

-Go'zal, yozgi ta'tilda qanday dam olding?
-Men ta'tilda juda yaxshi dam oldim. Oyimlarga uy yumushlarida yordamlashib, ko'p narsalarni o'rganib oldim. Yana to'garaklarga qatnashdim. Bo'sh vaqtlarimda



YULDUZCHA ATAG YULDUZ

es a kitob o'qidim, pionino chaldim. -Hammasiga vaqt topdisha ulgurdingmi?
-Ulgurdim. Chunki men hamma ishlarimni rejalashtirib qilaman. Ya'ni, har bir ishimga bir soatdan vaqt ajrataman. Hattoki do'stlarim bilan o'ynashga ham.

-Oilada erkatoyi ham, kenjatoyi han sen bo'lsang kerak-a?

-Ha, men oilada eng kichkinasiman. Mendan katta 3 ta akam bor. Kenjatoy bo'lganim uchun akalarim meni urushishmaydi. Ularni esa juda yaxshi ko'raman. Ayniqsa kichkina akamni. Chunki ular doimo men bilan o'ynaydilar. -Go'zal, dugonalarin ko'pmi?
-Dugonalarim juda ko'p. Ular-

Gulruh, Zahro, Feruza, Dildora, Hilola, Adolat...

-To'garakda qanday qo'shiqlarni aytgansan?

-Men «Bulbulcha» da «Savajon», «Yulduzcha» da «Shabboda» qo'shiqlarini aytganman. Menga qo'shiqlarni Dilbar opa va Aksana opalar o'rgatadilar. Bundan tashqari she'rlar ham yodlab turaman.

She'mi

oxangli yodlashni esa ustozim Halima

Jo'rayevna o'rgatadilar. -Qo'shiqlaringdan eng yaxshi ko'rganingni gazetamiz muxlislariga aytib beraolasanmi?
-Ha, men ularga «Shabboda» qo'shig'imni aytib berman.

Bog'da ochilgan gulim, Tebranadi hazoda. Boqsam yangraydi dilim, Esganida shaboda.

Shabboda hoy, shabboda, Sochlarimni taraysan. Tinmay guvillab mendan,



Nimalarni so'raysan.

-Rahmat, Go'zal aytginchi, katta bo'lganingda qaysi kasbni egallamoqchisan?
-Men katta bo'lsam Yulduz Usmonovaga o'xshagan honanda bo'lmoqchiman. Barcha meni tanishini juda istayman. -Go'zal, suhbating uchun rahmat. kelajakdagi orzularingga yetishishingda «Tong yulduzi» hodimlari omadlar tilab qoladi.

NIGORA suhbatlashdi.

ВАТАНГА АЙМАНИШ

Ўғлим Шоҳдил ҳар доим: “Ойи, куёшнинг ҳам ватани борми, бўлса қаерда, кўрсатинг?” - деб сўрайверади.

Мен эса унинг кетма-кет саволларини тинглаб, болалигим ўтган кўчаларга ҳаёлан қайтаман. Уша таниш? ҳар бир дарахтининг япроқлари жоним титроғига вобаста боғимизни соғинаман. Олис-олислардан нурдай оқиб келаётган болаликнинг овози соғинчларга қоришган муҳаббат каби юрагимга туташади. Балки мен мана шу овоз билан яралгандирман. Томирим оралаб ёниб бораётган қўшиқ-Ватан қўшиғидир.

*Муқаддас шажаранг улуг бўлган эл,
Боболар руҳидан қутлуг бўлган эл.
Риску насибаси тўлиқ бўлган эл,*

*Дарахт илдизига ўхшайсан Ватан.
Озод кенгликларга ёйган қулочим,
Хурлик насимлари силлаган сочим.
Буюк келажакка учгучи лочин,
Ўғлимнинг кўзига ўхшайсан Ватан.*

*Болам ҳалол юргин, одам бўл деган,
Ҳақ учун мардона қадам бўл деган,
Шу элнинг дардига малҳам бўл деган,
Отанинг сўзига ўхшайсан, Ватан.*

*Кўрмасам соғиниб ёниб куйганим,
Кўксига бош қўйиб ором туйганим,
Бағрига талпиниб мудом суйганим,
Онамнинг ўзига ўхшайсан Ватан!*

Бугун ўзбек дёрида ҳар бир куннинг ўз мазмуни, ўз исми бор. Мана шу кунлар ичида гуллаб бораётган Ватанни юракдан ёниб куйлагинг келади.

Ўғлим, мана биз ўзлимизни қайтариб берган буюк истиқлолимизнинг 9 йиллигини зўр тантана қилдик. Сенинг оппоқ тонгларда елканга худди куёшни кўтариб олгандек жажжи портфелингни осганча мактабга кетаётганлигингни кўрсам шу кунларга етказганлиги учун ҳам яратганга шукроналар айтаман. Сен мenden куёшнинг ватани қаерда? деб сўрадинг. Куёшнинг ватани сенинг меҳрга тўла кўзларингда болам. «Ая, мен ҳар куни беш олиб келсам, катта бўлганимда Англиянинг элчиси бўлсам сиз ҳеч қачон касал бўлиб қолмайсиз-а» - деган бийрон сўзларингни тинглар эканман, сенинг ёруғ келажингни шу озод Ватанимизнинг гўзал кунларида янада аёнроқ кўрдим.


- Сен Ватан деганда нимани тушунасан, ўғлим? - сўрайман сенинг болалик бегуборликлари уриб турган содда кўзларингга қараб.

- Сизни, уйимизни, мактабимни, ўзимни, дўстларимни, яна нима десам экан, ўзим яхши кўрадиган ҳамма нарсаларни Ватан деб тушунаман.

- Ўғлим, қанийди ҳамма ҳам Ватанни болалардай бегубор сева олса. Мана бугун бизнинг ёруғ кунларимизни кўролмаётган бир тўда Ватан хоинлари сен ва сенга ўхшаган минглаб ёруғ юракли болажонларнинг нафратига дучор бўлсинлар деб дуоибанд қилаяпман. Хоиннинг ҳеч қачон Ватани бўлмайди. Дунёда эса беватанликдан ортиқ бадбахтлик йўқдир.

Мен ишонаманки эртага бизнинг озод, хур, фаровон ва ёруғ Ватанимиз келажаги бундан-да гўзал бўлади, буни нияти соф, вазифаси яратиш бўлган инсонлар жуда яхши ҳис қиладилар.

Ҳалима АҲМЕДОВА.



БАХТИМНИНГ ТАХТИ

*Мен сени севаман онажон Ватан
Хуш сурат, хуш суҳбат момоларимни.
Мен сени севаман жонажон Ватан.
Ҳар сўзи ҳикматли боболаримни*

*Севаман, мен сенинг бир парчанг бўлган
Дўппидек қишлоғим далаларини.
Тунлари бешикка суяниб айтган
Онамнинг шўх-шодон аллаларини.*

*Биламан, тупроғинг тиллоларга тенг,
Тенглар ичра тенгсан, Ватан Онажон!
Сен учун меҳнатга шимараман энг,
Керак бўлса нисор бўлсин сенга жон.*

*Мен сени севаман онажон Ватан,
Сен борим, борлигим, кенг жаҳонимсан.
Тоабат омон бўл, бўлгин саломат,
Бахтимнинг тахтисан, пок имонимсан.*

**Самат НАЙИМОВ,
Бухоро вилояти,
Шофрикон туманидаги
4-мактаб ўқувчиси.**


Клеопатра эрамиздан аввалги 69 йилда Мисрнинг Александрия шаҳрида туғилган. У буюк подшоҳлар - Птолемейлар сулоласининг сўнгги вакили ва қироличаси эди. Клеопатранинг отаси буюк шоҳ Птолемей XII (Авлета) бўлган. Клеопатра 18 ёшида Птолемей XIII-нчига турмушга чиқади. Таажжубки, орадан бир-икки йил ўтгач, Клеопатра ўз турмуш ўртоғи билан ҳокимиятни эгаллаш учун тахт талашади. Икки ўртада қақшатқич жанг бўлиб ўтади. Охир-оқибат Клеопатра енгилди ва Эрамиздан аввалги 48 йилда Сурияга ҳайдаб юборилади.

Эрамиздан аввалги 47 йилда Клеопатра она шаҳри Александриянинг озод этилиши учун бўлган урушдан сўнг, малика голиб чиқади ва Мисрга қайтади. Бу жангда Клеопатрага Рим императори Юлий Цезар катта ёрдам берди. Улар биргалашиб, Мисрнинг озодлиги учун узоқ курашдилар. Натижада Клеопатра ва Цезар муносабатлари жуда яқинлашиб кетади ва улар турмуш курадилар. Клеопатра ва Цезар ўғил кўриб,

исмини Цезарион қўядилар. Аммо, Рим сенатиди Цезарга душманлар томонидан суиқасд уюштирилиб, унга 38 марта пичоқ санчиб ўлдирдилар.

Цезарнинг ўлимидан сўнг, яъни эр.ав. 41 йилда

Клеопатра римлик саркарда Марк Антоний билан иттифоқ тузиб, Мисрни душманлардан озод қилиш учун кураш олиб боради. Эрамиздан аввалги 37 йилда Клеопатра Антонийга турмушга чиқади. Ушбу пайтда Рим императори Октавиан Август Мисрни бутунлай босиб олиш учун кўшин тортиб келади.



Эрамиздан аввалги 30 йилда Акция шаҳри ёнидаги жангда Клеопатра ва Антоний кўшинлари Октавиан томонидан тор-мор этилади ва Миср босиб олинади.

Антоний ўз жонига қасд қилади. Клеопатра ҳам ўз халқини, ўз ватанини душманга қуллик қилганини кўргандан кўра, босқинчиларга асир тушгандан кўра ўлимни афзал билади. Малика канизакларига заҳарли илон келтиришларини буюради ва илонга ўзини чақтиради. Қадимги Миср эътиқодига кўра, илонга ўзини чақтириб ўлдириш - мангу ўлимсизликни, барҳаётликни билдирган.

Озодлик куйчиси Клеопатра эр.ав. 30 йилда шу тарзда фожиали ўлим топади. Клеопатра ватанининг озодлиги йўлида жасорат кўрсатиб, курашди ва ўз жонини ҳам аямади.

Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ
тайёрлади.

БИЛАҒОН БОЛАЛАР ДИҚҚАТИГА

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билағон ва топағонлигингни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: билимли бўлинг.

ОТА-ОНА РОЗИ - ХУДО РОЗИ

Келажакимизнинг пойдевори бўлган фарзандларимизнинг мактабларда, турли ўқув юрғларида аъло баҳоларга ўқиб, ҳулқ атвори билан ота-оналарини севинтираётганлари сон-саноксиз.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, аҳён-аҳёнда бўлса-да, номига билим олиб, юқори синфга ўтганда тамаки тутатиб, нос чекишни ўрганаётган баъзи ўқувчилар орамизда йўқ эмас.

Биз ундайларни ота-онасини менсимайдиган, хурмат қилмайдиган болалар қаторига қўшамиз. Ушандай болалар оз бўлса-да, давлатимизнинг эртанги кунига доғ туширадиган фарзандлар бўлиб қолишдан афсусланамиз. Шунинг учун ҳам мен кўплар қатори ушандай фарзандларимиз эс-хушларини йиғиб, ота-оналаринини хурмат қиладиган ақли расо фарзанд бўлиб етишишларини жуда-жуда истар эдим.

Ахир, ота-рози - Худо-рози дейдилар-ку.

Салимурал САИДАҲМАД

Ҳадис сабоқлари

«ТОНГ ЮЛДУЗИ»ГА



MAG'RUR CHINOR NIDOSI

Sirdaryo qirg'ogida,
Qoraxon chorbog'ida.
Ko'kka bo'y cho'zmish chinor,
Turishi xo'p sarviqor.
Uning qaddi- qomati,
Bo'yi-basti, savlati.
Boshqa chinorlarda yo'q,
Hatto minorlarda yo'q.
Chinorning har yaprog'i,
Tarixning zarvarog'i.
O'tdi necha asrlar,
Barbod bo'ldi qasrlar.
O'tdi qancha xoqonlar,
Surib davru davronlar.
Lekin mag'rur bu chinor,
Qoyaday to'kib viqor.
Hamon turibdi mag'rur,
Qalblarga solib g'urur.
Goh peshin, gohi shomda,
Goho yarim oqshomda.
Chinordan chiqar sado,
Juda ayanchli nido.
Eshitsang lol qolasan,
Tinmay quloq solasan:
«So'zim eshit, ey o'g'lon,
Menga tor bo'ldi jahon.
Menam senday er edim,
Erdan afzal sher edim.
O'tda qushday uchardim,

Bulutlarni quchardim.
Chalar edim ud, dutor,
Qurar edim zo'r minor.
Turk yurtini bosdi yov,
Jang boshlandi beayov.
Qo'lga olib qilichim,
Bilakka to'plab kuchim.
Jangga tashlandim shu on,
Yovga keltirib qiron.
Ular edi juda ko'p,
Kelaverdi to'p-bato'p.
Zo'r qiyomat boshladim,
Ko'pin qirib tashladim.
Dushman bo'ldi xoru has,
Dam olmoq bo'lib birpas.
Maysaga yonboshlashdim,
Hordiq ola boshladim.
Qattiq uxlab qolipman,
O'zni go'rga soli pman.
Qarasam g'ala-g'ovur,
Shoh lashkari, yasavul
Meni qurshab olipti,
Jonim o'tda qolipti.
Jaloldlarda rahim yo'q,
Mehr-shavqat, fahm yo'q.
Qo'lim, oyog'im bog'lab,
Bag'rimni o'tda dog'lab...
Olib bordilar shohga,
Zolim olampanohga.
Shohda toqat yo'q edi,
Hech halovat yo'q edi.
Yurardi u yon, bu yon,
Ko'zlariga to'lib qon.
Soqolini taradi,
Menga kulib qaradi.
So'z boshladi salmoqlab,
Go'yoki meni yoqlab:
-Jasur ekansan o'g'lon,
Tan beraman pahlavon.
Juda yaxshi jang qilding,
Lashkar holin tan qilding.
Mardliging yoqdi menga,
Qizim beraman senga.
Qizim g'oyat parivash,
Ko'zlari yonar otash.

Kuyov bo'lasan shohga,
Menday olampanohga.
Lekin shartim bor bitta,
Bajarursan albatta.
-Qanday shart ekan e shoh?
Deb xitob qildi evoh.
-Turk qal'asin qurgan sen,
Me'mor bo'lib turgan sen.
Qal'aga bor mahfiy roh,
Shundan meni et ogoh.
Tezroq kirib shaharga,
To'y boshlaylik saharda.
-Nodon bilma elni shoh,
Menam hiylangdan ogoh,
Sen meni xoin dema,
Turmushim g'amin yema.
Yurtim aziz jonimdir,
Yurakdagi qonimdir.
Kishi sotarmi jonin,
E'tiqodi vijdonin.
Qizing-la savdo qilma,
Ortiqcha g'avg'o qilma.
Deb tugatdim so'zimni,
Yengil sezdim o'zimni.
G'azablandi g'aldor shoh,
-Tez qazilsin chuqur choh!
Ko'milsin tiriklayin,
Ko'rib orom olayin.
Hech ko'rmasin yog'duni,
Oyu quyosh va suvni.
Bir umr qo'msab o'tsin,
Dodin xudoga aytsin.
Jalodlar tushdi ishga,
Men qo'ydim tishni tishga...
Qarang, do'stlar o'lmadim,
Qizil gulday so'lmadim.
Asta-sekin ko'karib,



Chiqdim boshim ko'tarib.
Sirning zilol suvlari,
Quyoshning yog'dulari.
Ona yer harorati,
Parvardigor qudrati.
Meni zo'r chinor etdi,
Qomatim minor etdi.
Turondagi chinorlar,
Chinor demay minorlar.
Mening farzandlarimdir
Dilga payvandlarimdir».
TUROB AKBARXO'JAEV

БОЛАЛИКНИНГ ОРЗУСИ

• Дўстларим, сизга айтар фикрларим бироз галатирок, ўқиб чиқсангиз фойдали бироқ.
• Мен бу йил 4 синф ўқувчиси бўлдим. Фикрларим эса мендан сўрамай ўсиб кетяпти.
• Ҳаёлим юлдузлардек ярақлаяпти.
• Бу йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилинганни биламан.
• Шунинг учун ҳам мен сентябрнинг дастлабки кунларида мактабимиз ва синфхонамиз қандай бўлар экан, - деб ўйлаб юрган эдим. Синфхонамиз жуда чиройли қилиб янги ўқув йилига тайёрланибди. Бундан барча синфимиздаги ўқувчилар хурсанд бўлди ва йил давомида фақат аъло баҳоларга ўқиш учун ўз-ўзимизга сўз бердик.
• Лекин, юқорида айтганим каби ҳаёлимда бир нарса: Мактаб атрофи ҳамон бўм-бўш. Мактаб дарвозасидан кираверишда кичиккина боғимиз ва гулзоримиз нега йўқ экан, деб ўйлайвераман.
• Худди шу ҳаёл, шу фикр менга тинчлик бермаганидан кеча кечкурун тушимга кирибди. Мен мактаб директори эканман.
• Мактабимнинг ички кўриниши тўлиқ талабга жавоб берар эканда, аммо атрофи саҳройи кабир эмиш. Шунда мен сеҳргар бўлиб қолибман. Мактаб ходимлари ҳам, ўқувчиларим ҳам аллақандай-ҳалиги эртақдек "Қизил шапка"лар кийиб олган эмишлар. Ҳамманинг қўлида иш қуроллари, гул кўчатлари эмиш.
• Қаердандир катта-катта машиналарда хатто Ҳиндистондан ҳам Пальма дарахтлари келтирилибди. Мактабимиз дарвозаси худди кинолардек соқчилар билан кўриқланар эмиш.
• Ана, мана ҳаш-паш дегунча ҳалиги саҳройи кабирдек бўш ерларимиз яъни мактабимиз атрофи боғ-роққа айланибди.
• Мен эса тез пайдо бўлган боққа қараб: "Бу соғлом авлод боғи" дермишман - Пальма дарахти эса, мустақиллигимизнинг эслатиб турувчи 9 дарахтига ўхшаб кулиб турганмиш.
• Уйғонсам, тушим экан. Ойимга бу тушимни айтиб берсам, ойим: доим катта ҳаёллар билан юрасан. Бу ҳам болаликнинг бир орзуси-да, дедилар. Мен эса нега орзуни амалга ошириб бўлмас экан, - деб хуноб эдим.
• Хатто синфдошларим ҳам қўлидан келадиган ши-ку бу! Келаси йил боғимизга келинг, кўрасиз мактабдошларим қандай қудратга эга эканлигини!
• **Моҳира БОЙМИРЗАЕВА,**
Тошкентдаги 248-мактабнинг 4-синф ўқувчиси.



Азиз АБДУРАЗЗОҚ

ҚАРИБ КУЮСМАГАН ЭЧКИ

Бор экану йўқ экан,
Оч экану тўқ экан.
Ушбу ажиб замонда
Омадлилар омонда
Давру даврон сураркан,
Ялло килиб юраркан.
Омадсизлар, ахмоқлар,
Гап-сўзлари тўмтоқлар
Мунгайишиб юраркан,
Шумшайишиб тураркан.
Шундай омадлилар-
қўйлару омадсизларнинг
бири қари эчки экан. У
кўм-кўк ўтлар қолиб нукул
дарахтларни
гажийверганидан эгаси
қари чол безор бўлибди.
«Бор, нима бўлсанг
бўлганинг» деб кўрага
камаб кўйибди. Кўрада
эчки билан яшайдиган
қўйларни эрта азонда
яйловга чиқариб юборар

экан. То кеч кириб улар қайтиб келгунча эчки нима қиларини билмай зеркиб ётар экан. Унинг зерикканини билган эгаси:
- Ҳа, айб ўзингда, - дер экан. -
Доим дарахтга интилавермасанг сени камаб кўймас эдим. Энди тақдирга тан бериб ётавер. Бу сенга умрбод камоқ жазоси.
Эчкини эгаси сўйиб юборса ёки бозорга чиқариб сотса ҳам бўлар экану лекин у жуда ҳам қайсар чол экан. Эчки қийналсин деб камаб кўйган экан. Қари эчки бечора бора-бора бош оғриғидан азоб чекадиган бўлиб қолибди. Бу унинг дарахт емаганидан экан. У ич-ичидан йиглаб, ўзича дер экан:
«Ҳа, қайсар чол!» Мени дарахт ейишдан маҳрум қилдинг. Ахир

нима қилай, дарахт барглари ҳеч қандай ўтнинг ўрнини босмаса... Қамалганим алам қилмайди. Дарахт ейишдан маҳрум бўлганимга йиглайман... Эй тақдир... Шум тақдир...»
Бу аҳвол, яъни қари эчкининг энди тақдири қандай бўлади, буни бир Худо билади.
Ёш эчкилар! Дарахт ейишдан тийилинг. Йўқса қари эчкининг бошига тушган кун сизнинг ҳам бошингизга тушиши ҳеч гап эмас.





Асрол МУХТОРОВ
Ўзбекистон халқ устаси
ШОГИРД ҲАҚИДА РИ-
ВОЯТЛАР

Қадимдан уста ва шогирдлар ҳақида жуда кўп ибратли ва қизиқарли ривоятлар бор. Улар, худди бир афсонага ёки эртаққа ўхшайди. Лекин уларнинг ҳар бирида дунё маъно ва инсонийлик хулосалари ётади. Шунинг учун уларни ўқигандан кейин ҳар бир шогирд ўзига тегишли хулосаларни чиқариб олиши керак бўлади.

САБРСИЗЛИК

“Қадим вақтда замонасининг етук кулолларидан бирининг хунарига эътиқод қўйган бир йигит келиб, устага шогирд тушади ва иш услубларини кунт билан ўргана боради. Шу аснода бир неча йиллар ўтади. Йигит устозининг барча санъатини тўла ўргандим деган ҳаёллар билан “Мен устамда бўлган барча хуналарни бекаму кўст ўргандим. Лекин негадир уста менинг мустақил ишлашим учун оқ фотиҳа бермаяпти. “Бундай юрсам, юравераман, энди ўзим ишлашим керак” деган фикрни дилига жо қилиб, уйда худди устаникидек куллик дастгоҳи ва хумдон ясайди. У устаникида бажарган барча услуб қоида-қонунларига асосан ўзи мустақил иш бошлайди. Дастлаб коса-товоқлар лойини меъёрида тайёрлаб қуритади-да, хумдонга тиради. Очиғи, устасиникида бажарган ишлардан ортиқроқ қилиб, шошмасдан барча усулларини бажаради.

Тайёрланган маҳсулотларни бозорга - куллик растасига чиқариб, майин латга билан артиб териб қўяди. Шунингдек, бошқа кулоллар ҳам ўз маҳсулотларини келтириб териб қўядилар.

Одатда бозор беги барча расталарга келтирилган молларни кузатиб, уларга нарх белгилаб чиққандан кейин савдо-сотик бошланар экан. Бозор беги куллик растасига келгач, раста сардори бозор бегига: “Бугун растамизга янги уста дастлабки ишини келтирди” деб маълум қилади. Шунда бозор беги барча кулолларнинг ишини кузатиб, нарх қўйиб келиб, навбат янги устага келганда унинг молларига нарх қўя олмайди. Чунки, келтирилган коса-товоқларда нафислик, яъни жило йўқ экан. Шунда раста сардори ва барча йигилган кулоллар янги “уста” бажарган ишлардаги камчиликларни айтиб, келажакда бу нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида маслаҳатлар берадилар. Шундай қилиб шогирднинг бозори касодга учрайди.

Эртаси шогирд устаси ҳузурига ке-

ШОГИРДЛАРГА ДОНИШМАНДЛАР НАСИХАТЛАРИ

Қадимда устозлар ўз шогирдларига атаб насихатномалар ёзиб қолдирганлар. Бу насихатномалар шунчалик чуқур фалсафий, ҳаётий ёзилганки, бир қанча асрлар ўтса ҳам ўз кучини йўқотмай булар шогирдлар учун битмас-туганмас ҳазинадир.

Кайковус фарзандига бағишлаб ёзган “Қобуснома” деган асарини XI асрда ёзиб қолдирган. Айниқса бу асар шогирдлар учун насихатлар ҳазинаси ҳисобланади. “Эй фарзанд... бу сўзни қабул қилгил, ху-

сусий донишмандларнинг сўзини, недурким донишмандлар дебдурлар: “Доннинг панд-насихатлари кўнгил кўзини равшан қилур, дедиким, ул панд ақл ва ҳикмат кўзининг сурмаси ва тўтиёсидир. Бас, бу тоифанинг сўзин қўшқулоғи била эшитмак керакдур”.

Қуйида сосонийлар сулоласидан бўлмиш Хусрав Ануширвон Одилинг вазири Бузружмехр билан бўлган савол-жавоблари келтирилади:

- Дунёда энг қийматли нарсалар нима?
- Тан -сиҳатлик, бойлик ва хотиржамлик.
- Ишларимни кимга топширсам хотиржам бўламан?
- Ҳасадсиз дўстингга топширсанг хотиржам бўласан.
- Қайси вақтда қандай ишлар қилишим керак?
- Ёшлигингда илм ўрган, кексаликда яхши ишлар билан шуғуллан, бошқа вақтларда эса ўз ишинг билан бўл.
- Кишилар олдида нималар сўзламаслик лозим?
- Кишилар олдида ўз хунаридан сўзлайвериш ва ўзини мақташ номақбул одатдир.
- Ёшларга ва кексаларга қайси фазилатлари лозимдир?
- Ёшларга шарм-хаё, ишда жасорат, кексаларга мулойимлик.
- Буюк кишилар нима қилишлари керак?
- Яхши билан ёмонни фарқ қилишлари ва ишни ишбилармонларга топширишлари керак.
- Кимдан хазар қилиш лозим?
- Мақтанчоқдан, чақимчидан, ҳамда бойиб олган ҳасисдан.
- Хорлик нимадан пайдо бўлади?
- Дангасалик ва бузуқликдан.
- Хафагарчиликка сабаб нима?
- Ёлғизлик.
- Ном чиқариш нимадан бўлади?
- Ўз ишидан, хушёрликдан.
- Ақлли кишилар нимадан пушаймон бўладилар?
- Ўз ишларидаги шошқалоқликдан.
- Жамиятда нима йўқотади?
- Таъмагирлик.
- Одобнинг энг яхши амали нима?
- Кишилар билан хушмуомалада бўлиш, ўз мартабасида камтар бўлиш, кибр ва худбинликдан қўл тортиш.

лади ва ўзбошимчалик билан қилган иши учун уэр сўрайди-да, ўзи бажарган ишларини камчиликлари ҳақида маслаҳат беришини сўрайди. Уста шогирдига “камчиликларни иш давомида ўрганасан”, дейди. Хуллас, шогирд яна икки йил уста билан ҳамкорликда ишлайди. Лекин шогирд ўз хатоси нимада эканлигини тушуниб етмайди. Кунларнинг бирида Хумдонда пиширилган коса ва товоқларни олиб, юқорида турган устасига узатаётиб, “Мен тайёрлаган коса ва товоқларнинг ҳам рангги, тузилиши ва кўриниши худди шундай эди, лекин нега бозорда булар нафису, менинг товоқларим хира эди” деб сўрайди. Шогирднинг тушқуликка тушганини кўрган уста кўнгли юмшаган ҳолда, ҳали совимаган товоқни икки четидан оҳиста ушлаб, юзига ва ён атрофларига пуфлайди-да, кейин шогирдига “унинг боиси шу” деб товоқни яна шогирдига узатади. Шогирд қараса, товоқ юзидаги ҳиралик кетиб, унинг рангги нафислашибди. Шунда ўзи ҳам хумдондан бир товоқни олиб, худди устадек ушлаб, пуфлаган эди, у ҳам жилоланибди. Ўзининг хунари ўрганишда сабрсизлигидан уялган шогирд устасидан уэр сўраб, миннатдорчилик билдирибди. Шундан кейин уста: “Энди ўзинг ишлашинг мумкин” деб мустақил ишлашига оқ фотиҳа берган экан.

Сукрот ҳақим вафоти олдида ўз шогирдларига шундай насихат қилди.

Фароғат, шодлик кеч келиб тез ке-

тади, қайғу-алам тез келиб, анча узокқа чўзилади. Ҳар одамнинг иф-фат ва пархезкорлиги бўлмаса, ҳар зийрак ва доно кўринса ҳам, унинг ақли камолга етишган деб ҳисобланмайди. Шунга кўра оқил ва комил одам, ифбатли, тавфиқи бўлиш керак. Қилган ёмонликлари фисқу-фуружларини ҳар ерда мақтаб, гердайиб сўзлаб юрган одамдан узоклашинг. Комил, ақлли одам бузуқ ҳаёлларни кўнгилга келтирмайди. Ақл хуш қуввати билан уларни рад қилади.

Яна айтди:

- Кўнглингизга яхши бир иш қилиш ҳаваси уйғонса, у ишни бажаришга дарҳол ошиқинг, бир бадгумонлик яхши ишдан сизларни қайтариб қўймасин. Бир ёмон иш қилиш кўнглингизга келса, уни ифро қилишга ошиқманг, ўйлаб кўринг. Шояд, хотинингиз ёмон ишдан нафрат қилиб, яхшилик тарафига айланса.

Яна атди:

- Одамзотга муносиб иш - ўз нафсини қўлга олиб, қайси иш ўзига лойиқ эканини англаб, унга амал қилишдир, шундай қилса унинг иши сарамжон бўлади. Ҳамма гўзал ҳислатларнинг яхшироғи ҳалол касб билан молу-дунё ҳосил айлашдир. Агар сизларга қаҳру-ғазаб қилса, ёмон сўзлар сўзлашдан тилингизни, бошқаларга озор беришдан ўзингизни сақланг.

Яна айтди:

- Азиз шогирдларим, сизлар-



га яна бир неча панд-насихатларимни айтиб ўтаман.

Сизлар ҳою-ҳавасни тарк айлаб, қаноатни ихтиёр айланг:

- неъмат ва давлатингиз бор вақтда шукур бажо келтириб, бошингизга қийинчилик тушган вақтда сабрни ўзингизга йўлдош қилинг, сабр ҳар бир енгилликнинг очқичи бўлиб, неъматга шукур қилиш давлат ва осойишталикнинг кўпайишига сабаб бўлади:

- ҳаётингизда бирор ҳодиса зуҳур этса, кўнглингизни қувватли қилиб, ҳаяжонга, изтироб чекишга йўл қўйманг:

-қайси иш бўлмасин, уни менсимай, арзимаган кичкина иш деб санамай, ҳар ишнинг улғайиш қобилияти бўлади.

-ихлосманд дўстларнинг иззат ва хурматини бажо келтиринг:

- бир одам билан бир масала устидан сўзлашар экансиз, сўзингизни жанжалга бош бўладиган даражасига олиб борманг, тилингизни тийинг.

Бир донишманднинг шогирди устозига бир кишини гийбат қилиб сўзлади. Донишманд унга насихат қилиб шундай деди:

- Менинг ҳузуримда ҳеч кимни гийбат қилиб сўзлама, ёмонлама. Бировнинг устидан гийбат қилсанг, гийбатчи эканлигингни билиб, сендан бадгумон бўламан, нафратланаман. Бировнинг обрўсини маҳаллангда ва менинг ёнимда тўкишни истаганг, сенинг обрўинг бутун шаҳар халқи ёнида тўкилади. Сен гийбат қилган одам, чиндан ҳам ёмон одам бўлса, уни ўзингга душман қиласан, агар мақбул ва марғуб киши бўлса, уни гийбат қилишинг билан ўз номингни булғайсан, гийбатчи номи билан оламдан ўтасан.

КЕККАЙГАН ШОГИРД

Эмишки бир йигит устозимнинг кураш усулларини ўрганиб бўлдим, энди ўзимни устоз деб эълон қилсам бўлади деган экан. Кураш тушиш бўйича унинг олдида тушадигани топилмай қолибди-да! Бироқ бу ҳабарни эшитган устози у билан кураш тушиш учун энг шимариб келса, шогирд ҳайрон бўлибди. Сўнг устозимни ҳам енгсам катта шуҳрат қозонаман деган ўйда майдонга тушибди. Во ажабо! Устози уни бир оддий усул билан чирпирак қилиб юборибди. Шунда устозига тан берган шогирди сўрабди: “Устоз, сиз менга 40 та усулнинг ҳаммасини ўргатган эдингиз-ку! Нега бу усулни ўргатмадингиз?” - деса, устози: “Мен бу қирқ биринчи усулни сенга ўхшаган маҳмадонларга олиб қўйгандим” деган экан.

(Давоми. Боши ўтган саҳифада)



«ЖАНОБ ҲОКИМ», СЎЗ СИЗГА

Фарҳод АБДУЛЛАЕВ. 1956 йил, 30 сентябрда Қашқадарё вилоятида дунёга келган. 1974 йили ўрта мактабни тамомлаб, театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирган. 1979 йили институтни муваффақиятли тамомлаган. Ҳозирги кунда Ҳамза театрида ишлаб келяпти. Сизу биз севиб томоша қиладиган: «Шумтакалар» мультфильмидаги «Жаноб ҳоким»га овоз берган. Фарҳод ака 3 нафар «шумтака»нинг отаси.



-Фарҳод ака, актёрлик касбини танлашингизга нима сабабчи бўлган?


-Болалигимдан кинони, театрни жуда севардим. Фурсат топдим дегунча, кинога, театрга чопардим. Актёрларнинг берилиб роль ўйнашларини диққат билан кузатиб, ўзим ҳам беихтиёр театр оламига

кириб кетгандек бўлардим. Театрга қанчалик кўп борганим сари, қизиқишим ҳам шунчалик орта борганди. Бора-бора театр менинг иккинчи уйимга айланиб қолди. Актёрлик касбини танлашимга ҳам қизиқишим сабаб бўлган, деб ўйлайман.

-Қайси образингиз сизни элгитанган?

-Элга танилишимга айнан бир образим сабабчи бўлган деёлмайман. Яратган ҳамма ролларим танилишимга катта ҳисса қўшган. Айтишади-ку, «тома-тома кўл бўлур», деб.

- «Кўнгил кўчалари»да яратган образингиз билан ҳаётдаги Фарҳод Абдуллаев ўртасида ўхшашлик борми?



-Бу салбий образ бўлганлиги боис ундаги яхши бир ҳислат - талабчанлик ҳам сояда қолиб кетади. Бизнинг ўртамиздаги ўхшашлик ҳам шунда.

-Фарзандларингизнинг «ота изидан» боришларига қаршилик қилмайсизми?

-Йўқ албатта, агар ўзларида қизиқиш бўлса. Ўртанча қизимиз Иродахонда санъатга мойиллик борлигини сезиб юрибман.

-Сиз бугунги кунингиз билан яшайсизми?

-Бугунги куним билан яшаб, эртанги кунимни режалаштираман. Чунки бугун устинг бут, қор-

нинг тўқ бўлмаса, эртани ўйлашга имконинг бўлмаслиги тайин.

-Сир бўлмаса, қандай роллар устида ишляяпсиз?

-Ҳозирги кунда мен дам олиб, ўзимга куч тўплайман. «Яхши дам, меҳнатга ҳамдам» дейишади-ку.

-Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош

Муножат САДРИДДИНОВА

А. Навоий номидаги Республика

Нафис санъати лицейи

ўқувчиси

Biz qishloqqa chiqdik, tinib-tinchimaymiz. Goh o't yulamiz, goh xashak to'playmiz. O'zimizcha olam-olam ishni qilgan bo'lamiz. Aslida-ku nozik qo'llarimiz ko'pam o't yula olmaydi. Charchab qoladi. Ko'pam xashak to'layolmaydi. Zirapchalarga hardosh bera olmaydi. Baribir tog'ni qalqon qilgan odamdek o'zimizcha g'ururlanib qo'yamiz. Goho uzoq-uzoqlarga ketib qolamiz. O'yinqaroq emasmizmi turli o'yinlar o'ynab ketamiz. Avvaliga kim ko'p xashak yig'ishga o'ynaymiz. Keyin o'tirvolib, danak tashlash

Ko'ylagimning yoqasini biroz tortib ichimga tuflayman. Men asli chigirtkadan qo'rqaman. Bir marta bolasi ichimga kirib ketgan o'shanda. Uy ichiga kirib qolsayam, hovlida uchganini ko'rsam ham yetti gazga chopaman.

Kimdir boyagi chigirtkani tutvolib, mening oldimga

olib kelib

hazillashadi. Men

qochaman. U quvadi. Xashak-

xashakda qoladi. Oxiri Xidoyat opam beradilar.

- Qo'y, tashla.

Mansur chigirtkaning oyog'idan osiltirib ushlaydi. Endi mening chigirtkaga rahmim keladi.

- Qo'yvor, oyog'ini sindirib qo'yasan.

Mansur bu oyog'ini qo'yib yuborib, boshqa oyog'idan ushlaydi. Shunday qattiq ushlaydiki, chigirtkaning oyog'i uzilib ketadi. Ko'zimdan yosh chiqqudek bo'laman. Mansur esa xaxolab kulib chigirtkani otib yuboradi. Men endi ko'zimni chirt yumib olaman.

Bir ozdan so'ng hamma narsa iz-iziga tushib ketadi. Xashak to'plashda davom etamiz. Ancha-muncha to'plab qo'yganimizni sezmay qolamiz. Uzun-uzunlaridan bir pasda belbog' yasab yuboramiz va ixcham-ixcham qilib bog'-bog' qilamiz. O'g'il bolalar sal kattaroq qilib bog'lashadi va bizlarnikini ham qo'shib ko'tarib olishadi. Xidoyat opam bir dunyo xashakni mahkam bog'lab boshlariga qo'yadilar. Boshlari shiqillab ketadi, deb qo'rqib ketaman.

Yo'q, qimir etmaydi. Aksincha, xashakni yanayam yaxshilab o'rnatirib oladilar.

- Boshingiz og'rib ketadi-ku, - deyman ularga achinib.

- O'rganib ketganman, - deydilar ular va meni xotirjam qilmoq uchun jilmayib qo'yadilar.

- Mening esa ko'targim keladi. Ko'taraman ham. Faqat kichikrog'ini. Ulardek azot ko'tarib boshimga qo'ymoqchi ham bo'laman. Xashak yuz-ko'zimga to'kilib ketadi. Yerga qo'yib mahkam bog'lamoqchi bo'laman. Bu gal uquvim yetmaydi. Ibodot bog'lab beradi.

- Qo'y boshingga qo'yma, do'pping kir bo'ladi, - deydi u olma gulli duhoba do'ppimni ayab, - orqalab olaqol.

Ibodot xashakning bog'ichini uzunroq qilib beradi. Huddi og'ir yukni olayotgandek Sekin ko'tarib orqaladi. Ko'tarishidagi xolatidan chindan ham u og'ir bo'lsa kerak, deb o'ylayman. Yo'q xazillashayotgan bo'ladi. Yengilgina xashakni orqalab, hammaga qo'shilib ketaman. Bolalardan biri bora-borguncha ashula aytib ketadi.

"Yorim ketaman deydi, Ketqizgani qo'ymayman.

Yo'llariga chim bosib, dode, O'tqizgani qo'ymayman".

Biz ham ora-chora unga qo'shilib qo'yamiz. Hammamizni qo'shiqning ohangi maftun etadi. Hech qaysimiz uning so'zlarini ataylab yodlamaganmiz. O'zidan-o'zi yod bo'lib qolgan. Faqat biz emas, yoshuqari hamma uni deyarli yod biladi. Qo'shiq uni aytayotgan kishi uchun ataylab yaratilgandek. Gap qo'shiq kuyining beg'uborligida, sho'xligida. Odamlarni bir necha daqiqa bo'lsa ham tashvishdan yiroqlashtirishida.

Biz uyga kelamiz. Hamma-hamma bilan-ku meni ko'rib, Nabi akam, Saydali akamgilar qotib-qotib kulishadi. Dalaga "yarashganimni" aytib, Hasan akam orqalab olgan xashagimni oladilar. Ularning qo'llarida xashak go'yo uchib ketadi. Shundagina men ko'targan xashagimning judayam kam ekanligini his qilaman. Uyalib ketaman. Xidoyat opam meni xijolatdan chiqarish uchun darrov yonimga tushgan bo'ladilar.

- Rosa yig'di, mana menikining ichida.

Ular molxona tomon ketadilar va boshlaridagi zildek xashakni tushuradilar. Keyin boshlarini, yelkalarini qimirlatib qo'yadilar. Men ularga hayron qarayman. Qarashim ma'nosini sezib "kelganimga qotib

Yayra Sa'dullayeva



qoldi, joyiga tushsin", deydilar jilmayib. Boshlari darrov "joyiga" tushadi, shekilli, ro'mollarini yechib, qoqadilar. Sochlariga, yelkalariga yopishgan xashakni olib tashlaydilar. Ko'ylaklarini qo'llari bilan qoqib, etagini silkitib-silkitib yuboradilar. Ibodot ham shunday qiladi. Ularga qaray men ham hammamiz baravariga ko'cha eshikka boramiz. Tashqarida sharqirab oqayotgan ariqdan shapillatib yuvinamiz. Rosti, rosa maza qilamiz. Birdan suvsepar boshlanib ketadi. Oldiniga shunchalik xazillashib boshlangan suvsepar, rostakamiga aylanib ketadi. Sharofat ko'ylagi etagini li ppasiga qistirib oladi-da ariqning ikki chetiga oyoqlarini qo'yib ikki qo'li bilan suv sepadi. Qaysi birimizning ko'ylagimiz, qaysi birimizningdir bosh-ko'zimiz jiqqa iviydi.

Ichkaridan oyimlarning "Hoy to'polonchilar, ovqatlaring soviydi, degan ovozlari eshitilgandan keyingina o'yinni to'xtatamiz".

Hovlida taxta karavot ustidagi xontaxta atrofiga cho'kkaalaymiz. Kosakosalarga suzilgan sho'rva ishtahamizni ochib yuboradi. Katta taqsimchadagi kesib-kesib quritilgan qotgan nonning cho'g'i bir pasda o'chadi. Uni sho'rvaga solib, qasir-qusur qilib yeymiz.

- Shapillatib yemanglar, uyat bo'ladi, - deydilar dala oyim samavardan choy damlayotib. Kimdir huddi aksiga olgandek xo'rillatib ichsa, hammaning g'ashi kelishini bilib, sekin icha, oshlaymiz. Birinchi ichib bo'lgan odam kosasini ayab qo'yadi. Shunga qarab hammamiz kosamizni yatab qo'yamiz. Dala oyimlar aytmish, savobga sherik bo'lamiz.



